



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 август кuni Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабартини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутар экан, Ўзбекистон билан ЕТБ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик юқори суръатларда ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Ўтган йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувдан кейин томонлар биргаликда кенг қўламли ишларни амалга ошириб, дастлабки аниқ натижаларга эришдилар.

Бу даврда банк томонидан мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун умумий қиймати 190 миллион доллардан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

Бугунги кунда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва уй-жой қуриш, энергетика тармоғи ва коммунал хўжалик объектларини модернизация қилиш, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва бошқа йўналишларда умумий қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ истикболи лойиҳалар қўриб чиқилмоқда. Шундан қиймати 600 миллион долларгача бўлган лойиҳаларни яқин ойлarda маъқуллаш режалаштирилмоқда.

Жорий йил сентябрь ойида қабул қилиниши мўлжалланган ЕТБнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш ишлари якунига етмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йил ноябрь ойида банкнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ўз фаолиятини тиклади, мамлакатимиз ҳудудларида унинг филиалларини ташкил этиш кўзда тутилган.

ЕТБ экспертлари мамлакатимизда хорижий молиявий институтлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини оширишга қаратилган янги тартибни ишлаб чиқишда фаол қатнашди.

Шунингдек, Ўзбекистонда энергетика секторини ислоҳ

қилиш ва қайта тикладиган энергетикани ривожлантириш бўйича узоқ муддатли дастур ишлаб чиқиш борасида биргаликда иш олиб борилмоқда.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, аввало, асосий тармоқлардаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг стратегиясини ишлаб чиқиш, корхоналарни хусусийлаштиришга тайёрлаш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётига хусусий инвестицияларни жалб этишга қаратилган янги дастур ва лойиҳалар билан бойитиш масалалари муҳокама қилинди.

Сума Чакрабарти Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасида янги босқичда амалга оширилаётган, мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи юксалишига хизмат қилаётган ислохот ва ўзгаришларни, иқтисодиётдаги либераллаштириш жараёнларини юқори баҳолади.

ЕТБ раҳбари Ўзбекистон Президентининг ўзаро манфаатли ва самарали минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилган ташаббуслари муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, уларни қатъий қўллаб-қувватлашини билдирди.

Давлатимиз раҳбарига савимий қабул учун чуқур миннатдорлик изҳор қилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли янгиланишларни қўллаб-қувватлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида банкнинг Ўзбекистон билан шериклигини янада кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаш лозимки, мамлакатда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун энг қулай инвестиция шакллари шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Солиқ юкни камайтириш ва инвесторлар учун солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ сиёсати ва божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш ислохотлари жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, инвесторлар билан ишлашда, айниқса, жойларда, инвесторларнинг ташаббуслари барча даражадаги ҳокимликлар томонидан лозим даражада қўллаб-қувватланмаслиги, бу борада вазирлик ва идоралар

фаолияти аниқ мувофиқлаштирилмаганлиги билан боғлиқ бюрократик тўсиқ ва ёғлар ҳали ҳам мавжудлиги қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончнинг мустаҳкамлашига тўққинлик қилмоқда.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг бу борадаги давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончнинг мустаҳкамлаш ва инвесторлар билан ишлашда давлат тузилмаларининг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. 2018 йил 1 августдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: инсофли фаолият юритган инвестор ва тадбиркорлик субъектига давлат органи (мансабдор шахс) томонидан уларга нисбатан қабул қилинган маъмурий ҳужжатнинг қонуний қучига ишониш сабабли келиб чиққан мулкий зарарнинг ўрни қопланади, агарда ушбу ҳужжатнинг қонуний қучига ишониб мол-мулкдан фойдаланган, битим тузган ёки тақдим этилган афзаллик ва

устуналиклардан бошқача тарзда фойдаланган ҳамда мазкур ҳужжат кейинчалик ҳақиқий эмас деб топилган ёки бекор қилинган бўлса;

давлат органи (мансабдор шахс)нинг маъмурий ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи, агар у инсофли инвестор ва тадбиркорлик субъектининг қонуний манфаатларига дахлдор бўлса, суд тартибиде қўриб чиқилади, унинг сақлаб қолиниши жамоат манфаатларига таҳдид солаётган ҳоллар бундан мустасно.

2. Белгилансинки, 2018 йил 1 сентябрдан:

давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишга фақат ер участкаси олиб қўйилиши режалаштирилган манфаатдор шахслар билан очик муҳокама ўтказилганидан, шунингдек, фойда ва харажатлар баҳоланганидан кейин йўл қўйилади;

ер участкаларини олиб қўйишда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган турар жой ва ишлаб чиқариш бинолари, бошқа иморатлар ва иншоотларнинг бузилишига қўчмас мулкнинг

бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан кейин рўхсат берилди;

жисмоний ва юридик шахсларга давлат органи (мансабдор шахс)нинг қонуний маъмурий ҳужжати қабул қилиниши оқибатида етказилган зарар давлат томонидан, биринчи навбатда, тегишли органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади, кейинчалик айбдор шахсдан регресс тартибда ундириб олинади.

3. Белгилансинки, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйишга фақат қуйидаги мақсадларда йўл қўйилади:

мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва уларнинг фаолият юритиши учун ерларни тақдим этиш;

халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш; фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб чиқариш;

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда маданият ва санъат соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, маданият ва санъат муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратиш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маданият ва санъат муассасалари биноларини қуриш ва таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳудудларини обodonлаштириш, аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондириш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас.

Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш, ушбу соҳадаги муассасалар тармоғини кенгайтириш ва уларнинг моддий-техник аҳолини мустаҳкамлаш, аҳолига сифатли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ҳамда давлат-хусусий шериклик учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлаш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг қуйидаги шакллари жорий этиш тўғрисидаги тақлифлари розилик берилсин;

маданият ва санъат йўналишидаги нодавлат муассасаларининг биноларини қуриш учун бепул асосда доимий фойдаланишга ер участкалари ажратиш;

мавжуд давлат маданият ва санъат муассасалари биноларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, кейинчалик эса уларни оталиққа олиш шарти билан маданият ва санъат йўналишидаги нодавлат муассасалари

объектларини қуриш учун бепул асосда ер участкаларини тақдим этиш;

концессия асосида қурилиш учун ер участкаси ёки реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун бино ажратиш;

бўш турган давлат мулк объектларини, шу жумладан, фаолият кўрсатмаётган давлат маданият ва санъат муассасаларининг биноларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «ноль» харид қийматида сотиш;

давлат маданият ва санъат муассасаларининг фойдаланилмаётган биноларини (ёки уларнинг бир қисmini) ижара ҳақининг «ноль» ставкасида мақсадли фойдаланиш учун хусусий шерикларга бериш;

хусусий шерикнинг мол-мулк негизда ташкил қилинган маданият ва санъат нодавлат муассасаларини

моддий-техник, молиявий ва методик таъминлаш;

оталиқ шаклидаги хайрия фаолиятини олиб бориш.

Белгилансинки, маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

2. Давлат-хусусий шериклик шаклига қараб хусусий шерикча қуйидаги инвестиция мажбуриятлари юкланиши мумкинлиги белгиланган қўйилсин:

маданий хизмат кўрсатишда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифасига имтиёзлар бериш;

маданият ва санъат муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш борасидаги ишларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш;


► Давоми 2-бетда.

ТЕСТ СИНОВЛАРИ — КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 1 август кuni олий таълим муассасаларининг бакалаврият йўналишига кириш учун тест синовлари бошланди.

Юрт тараққиёти юксак билим ва касбий малакага эга, замон руҳи билан ҳамнафас, соғлом ва теран тафаккурли, рақобатбардош кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ўқитишнинг барча бўғинлари каби олий таълимни ҳам тубдан такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги «Республика олий таълим муассасалари бакалавриятга кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бу йўналишда авваллари мисли қўрилмаган туб ижобий ўзгаришларни амалиётга жорий этиш имконини бермоқда. Унга кўра, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасасига қабул қилиш бўйича кириш тест синовларини 1 августдан 15 августгача бўлган даврда ўтказиш, синов натижаларини тест ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, абитуриентдан алоҳида иқтидор талаб этиладиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, музика, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига қабул қилишда иқтисодий имтиҳонлар орқали амалга ошириш йўлга қўйилди.



Шунингдек, жорий йилда биринчи марта 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш бўйича кириш тест синовлари Тошкент шаҳрида «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуаси павильонлари, «Ўзқўргазмасавдо» мажмуаси, олий ўқув юртларида спорт комплекси каби катта сифмдаги биноларда, вилоят марказларидаги Олимпия захиралари коллежлари ёки бошқа ташкилотларнинг катта сифмдаги биноларида ўтказилаётипти. Тест жараёнининг максимал даража-

да ошқора ва шаффофлигини таъминлаб, видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан, абитуриентларнинг ота-оналари онлайн режимда кузатиб боришларига имконият яратилгани ҳам эътиборга молиқдир.

Республика олий таълим муассасаларига кириш учун тест синовларини ўтказишнинг моддий-техник таъминоти билан боғлиқ масалалар ҳам бутунлай қайтадан қўриб чиқилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тест синов натижаларини тезкор ўқишга мўлжалланган энг

замонавий техник усулга ва жиҳозлар билан таъминланди. Бу эса натижаларни қисқа фурсатда эълон қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 июнда қабул қилинган «2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича умумий квота бакалаврлар учун 69 минг 200

нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 17 минг 654 нафар ва тўлов-контракт асосида 51 минг 546 нафар этиб белгиланди. Махсус сиртқи ва кечки бўлимларда ҳам ўқишларнинг ташкил этилгани, бир қатор олий таълим даргоҳларининг жойлардаги филиаллари, янги ўқув даргоҳларининг очилгани ёшларнинг билим олиш йўлидаги имкониятларини янада кенгайтиради. Жорий йилда юртимиз олий таълим масканларига абитуриентлардан 675 минг 49 та ариза келиб тушди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази маълумотларига кўра, абитуриентлардан энг кўп ҳужжат келиб тушган олий таълим даргоҳлари сафида Қарши, Самарқанд, Фарғона давлат университетлари пешқадамлик қилмоқда. Конкурс энг катта бўлган олий ўқув юртлари сифатида эса Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалига 1 ўринга 23,2, Андижон машинасозлик институтига 1 ўринга 18,3, Тошкент давлат техника университети Тормиз филиалига бир ўринга 17,6 ариза тўғри келмоқда. Жорий йилда абитуриентлар Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, «Ипак йўли» туризми халқаро университети, Самарқанд ветеринария медицинаси институти каби янги олий таълим масканларига ҳужжат топшириш имконига эга бўлдилар.

...Эрталабки соат 8.00. Пойтахтимизда олий таълим даргоҳларининг бакалаврият йўналиши бўйича тест синовлари «Ўзэкспомарказ»нинг бир неча павильонлари, «Ўзқўргазмасавдо»

мажмуаси, Олий ўқув юртларида спорт мажмуаси, Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати, Олимпия захиралари коллежи каби катта сифмдаги биноларда бўлиб ўтди.

Мажмуага ёндош ҳудудда абитуриентларнинг ота-оналари учун ҳам зарур барча шароитлар яратиб берилди. Шу ернинг ўзида ўрнатилган махсус мониторлар орқали тест синовлари жараёнини бемалол кузатиш имконияти яратилди.

— Қизим Муҳлиса бу йил олий ўқув юртига илк марта ҳужжат топширди, — дейди наманганлик Малоҳат Турсунова. — Барча жараёнларда очилик, шаффофликнинг таъминлангани юртимизда коррупциянинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик йўлидаги амалий қадамлардан экани барчага манзур бўлмоқда.

Тестдан чиқиб келаётган ёшларга юзланди.

— Саволлар аниқ, лўнда ифода этилган, — дейди самарқандлик Муҳриддин Калонов. — Уларни қайта-қайта ўқиб, мағзини чақишга ҳожат қолмаган. Тестни муваффақиятли ечиш барчаннинг билим даражасига боғлиқ эканини бу жараёнда яққолроқ сезилмоқда. Ростини айтганда, авваллари айрим абитуриентлар ва баъзи нопок кимсалар муғомбирлик, олғирлик, фирромлик бўйича билимини тестларда синовдан ўтказар эди. Ҳозир бундай қўнғилсиз ҳолатларнинг илдизи буткул бартараф этилганига гувоҳ бўлди.

Дарҳақиқат, бу йилги тестларнинг ҳолис, ҳаққоний ва адолатли тарзда ташкил этилгани кенг жамоатчилик, ота-оналар, ёшларнинг эътирофи сазовор бўлмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов иштирок этди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA INVESTICIYA MUHTINI TUBDAN YAXSHILASH
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

автомобиль ва темир йўллари, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари ва авиатехника марказлари, темир йўл транспорти объектлари, кўприклар, метрополитенлар, тоннеллар, энергетика тизими объектлари ва электр узатиш тармоқлари, алоқа тармоқлари, космик фаолият объектлари, магистрал кувурлар, муҳандислик-коммуникация тармоқларини куриш (реконструкция қилиш);

аҳоли пунктлари бош режаларини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан объектлар куриш қисмида ижро этиш, шунингдек, қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда.

4. 2018 йил 1 октябрдан инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини беришнинг қуйидаги янги механизмлари жорий этилсин:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узок муддатли ижарага бериш;

қўчмас мулк объектларини (меҳмонхоналар, савдо объектлари, маданий-қўнғилочар мажмуалар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим ва тиббий таъкилотлари, йўл инфратузилмаси ва бошқалар) куриш учун ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини аукцион орқали сотиш.

5. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳмаси томонидан белгиланган тартибда туман (шаҳар) ҳокимларига чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узок муддатли ижарага бериш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига қўнун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ва тартибда 10 миллион АҚШ долларидан кўп бўлмаган эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент

шаҳар Кенгашиларига умумий майдони 2000 квадрат метрдан ортиқ, лекин 5000 квадрат метрдан кўп бўлмаган, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги «Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ—3067-сон қарорининг 1 ва 2-иловларида кўрсатилган объектлар бундан мустасно) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устас фондидagi хорижий инвестициялар улушининг энг кам миқдорини 30 фоиздан 15 фоизгача камайтириш;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг иштирокчиси сифатида хорижий юридик шахс қатнашини шартлиги тўғрисидаги талабни бекор қилиш;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устас фонднинг энг кам миқдорини 600 миллион сўмдан 400 миллион сўмгача камайтириш;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат бож миқдорини уч бараварга камайтириш; акциядорлик жамиятлари устас фонднинг энг кам миқдорини 400 миллион сўм миқдоридан белгилаш;

мева-сабзавот маҳсулотларига экспорт контрактларини «Ўзагроэкспорт» АЖ томонидан эълон қилинган нархлардан паст бўлмаган нархлар бўйича тузиш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт контрактини тузмасдан, «Ўзагроэкспорт» АЖ расмий веб-сайтида қайд этилган нархлардан паст бўлмаган нархлар бўйича инвойс асосида божхона расмийлаштирувдан ўтказиш тартибини бекор қилиш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р.Холмуродов:

ваколатли органлардан ҳар бирининг ҳуқуқларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг чет эл инвестицияларини жалб этиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган фаолиятини таъминласин;

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиларнинг ушбу соҳадаги асосий вазифаларининг бажарилишини баҳолаган ҳолда давлат инвестиция сисъатининг амалга оширилиши тўғрисидаги ойлик ҳисоботларини эшитишларини, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларини қўллаган ҳолда ўтказсин;

хорижий инвесторларни мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, бизнес юритиш учун яратилган қўлай шароитлар тўғрисида кенг хабардор қилиш мақсадида халқаро конференциялар, семинарлар, йиллик инвестиция форумлари ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб этишни кенгайтирсин.

8. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳмаси комплекслари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари зиммасига — инвестиция муҳитини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорларнинг самарали амалга оширилиши, хорижий инвесторларга зарур кўмак кўрсатилиши, инвестиция буюртманомалари сифатли ва тезкор қўриб чиқишлиги, инвестиция буюртманомалари бўйича келишиш тартиб-таомиллари ўтказилиши, шунингдек, иқтисодий-иқтисодий ривожланиш ва инвестиция фаолияти соҳасидаги муаммолари масалаларнинг ҳал қилиниши;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига — хорижий инвесторларга барча зарур кўмак кўрсатилиши, инвесторлар билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни ўрнатиш орқали инвестиция буюртманомаларининг тезкор қўриб чиқишлиги, инвесторларнинг тизимли равишда шахсан қабул қилиниши, тегишли инфратузилманинг таъминлиниши, ер участкалари ажратилиши, рухсат берувчи ҳужжатлар берилиши, инвестиция буюртманомалари бўйича келишиш тартиб-таомилларининг ўз вақтида амалга оширилиши, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг тизимли мониторинг қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раҳбари зиммасига — фаолият юритмаётган ёки қурилиш тугалланмаган объектлар, самарасиз фойдаланилаётган ишлаб-чиқариш бинолари ҳамда ер майдонларининг уларда тўғридан-тўғри инвестиция-

лар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш учун пухта хатловдан ўтказилиши;

«Ўзбекэнерго» АЖ раиси, «Ўзтрансгаз» АЖ раиси, Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига — инвесторларнинг ишлаб чиқариш объектлари қурилиши ва уларнинг ташқи инфратузилмага улалиши, инвесторларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мувофиқ электр энергияси, табиий газ, сув билан узлуксиз ҳамда ташқи канализация тармоқлари билан таъминлиниши;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси зиммасига — инвесторларга республика ҳудудларида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда маслаҳат қўмагининг кўрсатилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг 8500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда хўжалик жамиятларининг акциялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек, хорижий корхона ташкил этиш шаклида Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга қўп мартали уч йиллик виза олиш ва унинг амал қилиш муддатини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш заруратсиз чекланмаган миқдорда узайтириш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Аҳоли ишлар вазирлиги мамлакат иқтисодиётининг устувор соҳаларига катта миқдорда инвестиция киритган чет эл фуқароларига «Фахрий фуқаро» макрами бериш тартибини жорий этиш бўйича тақлифлар киритсин.

10. Мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга

оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар муддатда инвестиция киритиш учун энг қўлай шароитлар яратишга қаратилган, инвестиция фаолияти соҳасидаги унификация қилинган қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, бўйсунувдан қатъи назар, барча даражадаги давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан инвесторларнинг ҳуқуқ ва қафолатларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига сўзсиз ғаро этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин ҳамда қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан таъсирчан чоралар кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда:

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвестиция фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган ёки уни мураккаблаштиратган норма ва қоидаларни аниқлаш нуктаи назардан тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

14. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини, А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р.Холмуродов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2018 йил 1 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИМАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

3. Белгилансинки, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва «Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан қўйиладиган танлов натижалари бўйича тузилади. Бунда ушбу қарорнинг 1-банди еттинчи ва саккизинчи хатбошларида назарда тутилган ҳолларда танлов ўтказилиши;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ёки «Ўзбеккино» Миллий агентлиги тегишли равишда ўз тизимларида давлат томонидан хусусий шерик билан битим тузиш ва битим шартларини хусусий шерик қандай бажарётгани бўйича мониторинг олиб боради.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг: маданият ва санъат нодавлат муассасаларини ривожлантириш ва давлат-хусусий шериклини рағбатлантириш тадбирларини молиялаштиришга йўналиштирилган маблағлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳмаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасида очилган алоҳида ҳисобварақда (кейинги ўринларда махсус ҳисобварақ деб юритилиди) жамлаш тўғрисидаги;

маданият ва санъат нодавлат муассасалари харажатларининг бир қисmini қоплаш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил қилинган шундай муассасаларга давлат маданият ва санъат муассасасининг йиллик даромадлари ва харажатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги тақлифларни қабул қилинсин.

5. Қуйидагилар махсус ҳисобварақни шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ажратиладиган эквиваленти 100,0

миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредитлар;

давлат маданият ва санъат муассасалари негизда маданият ва санъат нодавлат муассасаларини ташкил этиш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида тижорат банкларида ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз тўловларининг 7 фоиздан ошган қисmini қоплаб бериш учун ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг мақсадли маблағлари;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг хайриялари, кредитлари (қарзлари) ва грантлари; махсус ҳисобварақнинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилаб қўйилсинки:

махсус ҳисобварақдаги маблағлар туман ва чекка қишлоқ жойлардаги театрлар, кинотеатрлар, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, концерт заллари, ҳайвонот боғлари ва бошқа маданият объектлар негизда маданият ва санъат нодавлат муассасаларини ташкил этиш мақсадида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим объектларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашга фоизсиз асосда имтиёзли кредит бериш учун тижорат банкларида тақдим этилади;

махсус ҳисобварақ маблағларидан имтиёзли кредитлар тижорат банклари томонидан маданият ва санъат соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига 10 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 7 фоизли ставка бўйича ажратиб берилади.

7. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар амал қилишининг қуйидаги шартлари белгилансин:

маданият ва санъат йўналишидаги нодавлат муассасаларининг биноларини куриш учун бепул асосда доимий фойдаланишга ер участкалари ажратиш битими — камида 30 йил;

мавжуд давлат маданият ва санъат муассасалари биноларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, кейинчалик эса уларни оқилоқла олиш шарти билан маданият ва санъат йўналишидаги нодавлат муассасалари объектларини

куриш учун бепул асосда ер участкаларини тақдим этиш битими — камида 30 йил;

бўш турган давлат мулки объектларини, жумладан, фаолият кўрсатмаётган давлат маданият ва санъат муассасаларининг биноларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «ноль» хариш қийматида сотиш битими — камида 30 йил;

давлат маданият ва санъат муассасаларининг фойдаланилмаётган биноларини (ёки уларнинг бир қисmini) ижара ҳақининг «ноль» ставкасида мақсадли фойдаланиш учун хусусий шерикларга бериш битими — 30 йилгача;

концессия асосида қурилиш учун ер участкаси ёки реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун бино ажратиш битими — 15 йилгача;

хусусий шерикнинг мол-мулки негизда ташкил қилинган маданият ва санъат нодавлат муассасаларини моддий-техник, молиявий ва методик таъминлаш битими — камида 10 йил;

оталиқ шаклидаги хайрия фаолиятини олиб бориш битими — камида 1 йил. Олинган имтиёзли кредит асосида ёки давлат-хусусий шериклик шартларида тадбиркорлик субъектларига топширилган объектларда маданият ва санъат нодавлат муассасаси фаолиятини ташкил этилган қўнундан бошлаб давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар амал қилишининг муддатлари мобайнида уни қайта ихтисослаштириш тақиқланади.

8. Давлат-хусусий шериклик шартларида ташкил этилган маданият ва санъат нодавлат муассасалари: асосий фаолияти бўйича барча турдаги солиқлар ва давлат мақсади жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

ўзларининг эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб қилинадиган техник воситалар ва бошқа жиҳозлар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилган қўнундан бошлаб 3 йил муддатга божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Белгилансинки, ушбу бандда кўрсатилган солиқ ва божхона имтиёзлари маданият ва санъат соҳасида кўрсатилган хизматлардан олинган даромад соф тушум улуши умумий реализация

ҳажмида ҳисобот (солиқ) даври ақунларига кўра камида 80 фоизни ташкил этадиган маданият ва санъат нодавлат муассасаларига нисбатан қўланилади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги ва «Ўзбеккино» Миллий агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда бўш турган давлат мулки объектлари, шунингдек, реконструкция қилиниши ва мукаммал таъмирланиши лозим бўлган давлат маданият ва санъат муассасаларининг фойдаланилмаётган бино ва иншоотларини хатловдан ўтказиб, уларнинг рўйхатини тузсин;

ҳар йили 1 февралга қадар давлат-хусусий шериклик шартларида маданият ва санъат нодавлат муассасаларининг биноларини куриш учун бепул асосда доимий фойдаланишга ажратилиши мумкин бўлган ер участкаларини аниқлаб, уларнинг тасдиқланган рўйхатларини Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва «Ўзбеккино» Миллий агентлигига тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда қисқа муддатларда маданият ва санъат нодавлат муассасасини ташкил этиш учун ер участкаси ажратилишини, шунингдек, ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

маданият ва санъат нодавлат муассасаларини куришда уларни маҳаллий бюджетларнинг маблағлари ҳисобига лойиҳа харажатлари ҳамда барча зарур ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси (электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, канализация, автомобиль йўллари ва бошқалар) билан таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳмаси бир ой муддатда:

маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисида низомни тасдиқласин;

маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида бериладиган давлат мулки объектлари рўйхатини тасдиқласин ва унинг ҳар йили янгилаб борилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Маданият вазирлиги, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

махсус ҳисобварақ маблағларидан фойдаланиш тартиби;

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фаолият юритадиган маданият ва санъат муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан субсидиялар ажратиш тартиби.

12. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида:

3 штат бирлигидан иборат бўлган давлат-хусусий шериклик асосидаги маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этиш бошқармаси;

2 штат бирлигидан иборат бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари мониторинги бўлими;

3 штат бирлигидан иборат бўлган ЮНЕСКО билан ишлаш бошқармаси ташкил қилинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва «Ўзбеккино» Миллий агентлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган чора-тадбирлар юзасидан мониторинг олиб борилишини таъминласин ҳамда бажарилган ишлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда маданият ва санъат соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Куриш вазирлиги давлат-хусусий шериклик битимини амалга ошириш доирасида белгиланган тартибда лойиҳа-смета

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2018 йил 1 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

КУЧЛАР ҚУДРАТГА АЙЛАНАДИ

«Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури ижроси юзасидан Наманган вилоятида амалга оширилаётган ишлар хусусида

Жорий йилнинг 4 июлида «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури амалга ошириш юзасидан вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинди. Ёшларни тадбиркорликка жалб этиш бўйича вилоят комиссияси таркиби тасдиқланиб, туман (шаҳар) ҳокимликлари фаолиятига ҳам татбиқ этилди. Айни вақтда вилоят бўйича 469 ишчи гуруҳи таркибида 4737 нафар аъзо фаолият юритмоқда.

Биз вилоят «Ёшлар маркази»да жойлашган «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури амалга ошириш бўйича мониторинг назорат штабида бўлиб.

Вилоятдаги мавжуд 769 маҳалла фуқаролар йиғинларида жами 494 мингдан ортиқ хонадон мавжуд. Уларда 2 655 374 нафар фуқаро истиқомат қилади. Шундан 14-30 ёшлилар соғи 841 102 нафарни ташкил этади.

Худудий ишчи гуруҳлар томонидан уйма-уй юриш жараёнида маҳалла фуқаролар йиғинларида 681 таси ўрганилди. Уларда яшовчи 708 450 нафар ёшларнинг анкета маълумотлари шакллантирилди.

Маҳаллалардаги хонадонма-хонадон юриб ўтказилган суҳбатлар жараёнида жами 41 142 нафар ишсиз, 3054 нафар меҳнатга лаёқатсиз ва 76 922 нафар норасмий иш билан банд ёшлар рўйхати тузилди.

Шунингдек, суҳбат қилинган ёшларнинг 22 628 нафари ишлаш, 20 870 нафари таълим олиш, 9 470 нафари ҳарбий хизматга бориш ниятида эканини билдирди. 10 075 нафари тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун кредит олиш истагида

экан. 911 нафари тадбиркорлик учун биро сўрашди.

Бундан ташқари, ёшларнинг 1 036 нафари яшаётган жойида рўйхатда турмаслиги аниқланди. 2 855 нафари эса уй-жойга муҳтож. 15 363 нафари узоқ муддатга ишлаш учун кетганлиги маълум бўлди. Суҳбатлашилган ёшларнинг 933 нафари тикув машинаси сўраган. 4629 нафар йигит-қиз бепул касб-хуна курсларида ўқиш истагини билдирган.

Ишчи гуруҳ 696 хонадондан 186 тасига томорқадан фойдаланиш бўйича амалий ёрдам берди.

Дастурга мувофиқ ўрганишлар давомида ҳудудларда жами 1274 муаммо борлиги аниқланиб, 629 таси жойида ҳал этилди.

390 нафар ёш тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди. 87 нафар ногиронлиги бўлган фуқароларга ногиронлик аравачалари ва протез-ортопедия махсулотлари тарқатилди. 416 нафар ёш оиланинг фарзандлари мактабга таълим муассасасига жойлаштирилди. 325 нафар йигит-қиз касб-хуна ўрганиш курсларига юборилди.

Хозирги кунга қадар мавжуд хонадонлардаги ёшларни қамраб олиш



84,2 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич туман(шаҳар)лар бўйича қуйидагича:

Дастур асосида ёшлар ижтимоий аҳолини ўрганиш Норин(99,3), Уйчи (92,9), Тўрақўрғон (90,6), Наманган шаҳри (90,2), Чортоқ (85,7) туманларида қизгин тус олдирилаётгани ҳолда Косонсой, Мингбулоқ, Поп, Чуст, Наманган, Янгиқўрғон туманларида сусткашликка йўл қўйилмоқда.

«Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисидаги фармон ижроси бир қатор жамоат ташкилотлари қатори Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши вилоят кенгашида эътиборга олинган. «Истикбол» ёшлар қаноти қошидаги «Ёш сийасатчилар» клуби аъзолари маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

— Мазкур фармон ижроси юзасидан вилоят ҳокимининг қарори бевосита партияимиз электорати манфаатларини қамраб олиши билан янада аҳамиятли, — дейди **ЎзХДП Наманган вилоят кенгашининг ёшларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири Жамолддин Мўминов**. — «Хар бир инсон учун муносиб байрам» акцияси доирасидаги тадбирларимиз ҳам мазкур дастур мақсад-моҳиятини атрофича тушунтириш имконини бермоқда.

«Ёшлар — келажакимиз» Давлат дастури ёшларни буюк бунёдкорликларга сафарбар этади. Ёшлик яратувчанлик кучи. Кучлар бирлашиб қувват бўлади, қувватлар қудратга айланади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, юрт тараққиёти кўп жиҳатдан навқирон йигит-қизларга боғлиқ эканини янада тегинроқ аниқлаймиз. Дарҳақиқат, бугун ёшлар мамлакатимизни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнининг фаол иштирокчисига айланмоқда. Уларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий билиминини ошириш, ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш — долзарб вазифа. Бу давлат ва жамоат ташкилотлари, жумладан, сиёсий партиялар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

ПАРТИЯМИЗ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон ХДП Дастурий гоя ва мақсадларида ҳам ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий билимларини янада ошириш, дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, кам таъминланган оила-ларнинг иқтисодий фарзандларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби вазифалар белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси мазкур жараёнда фаол иштирок этишга алоҳида эътибор қаратиб, «Истикбол» ёшлар қаноти орқали ёшлар ташаббусларини амалга оширишга қўмаклашмоқда.

Хусусан, «Ёш сийасатчи» кўриктанлови, «Хайт гўзал, яшаш — бахт», «Жаҳолатга қарши маърифат», «Жинойтсиз келажак сари», «Ёшлар — келажак таянчи», «Ёшларни ёт гоялар ва турли қарашлар таъсиридан асраш мақсадиимиз» каби лойиҳалар орқали йигит-қизлар билан мулоқотга киришиб, уларнинг муаммоларига ўрганилган. Биргина, жорий йилда «Ёш сийасатчи» танловининг шаҳар ва туман босқичларида минглаб тенгдошларимиз иштирок этиш истагини билдирган. Улар орасидан энг билимли, зукко, интеллектуал салоҳияти юксак бўлган 200 нафари сараланиб олинди.

«Истикбол» ёшлар қаноти томонидан ўтказиб келинаётган мазкур танлов келгусида сийасатчи бўламан, деган йигит-қизларга яратиб берилган катта имкониятдир.

Ортимизда мустақил фикр-лайҳадан, замонавий технологияларни ўзлаштиришга қодир, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида ёшларни тарбиялашнинг мукамал тизими яратилмоқда. Бу партияимиз томонидан ўтказилаётган учрашувларда, семинар тренинг, давра суҳбатларида ҳам

намоён бўлмоқда. Аммо орамизда жиноят оламига кириб қолаётган, онгини ёт гоялар эгаллаб олганлар ҳам йўқ эмас. Йигит-қизларни қизиқтираётган, уларнинг саволларига жавоб топишга хисса қўшувчи мавзуларни ўйлашимиз, ана шу асосда тадбирлар режасини ишлаб чиқишимиз зарур. Хар ойда ўтказилаётган давра суҳбатлари, учрашувларда зерикарли усуллардан анча чекиндиқ. Тенгдошларимиз билан эркин мулоқот жараёнида жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда унинг олдини олиш борасидаги тақлифлар муҳокама қилинмоқда. Келгусида бу йўналишдаги ишларимизни янги босқичга, замонавий кўринишга олиб чиқишимиз лозим.

«Оммавий маданият», «Глобаллашув жараёни» ва шунга ўхшаш тушунчалар моҳиятини, аниқ мазмунини англаб этиш учун албатта инсонда гоявий, мафкуравий тафаккур шаклланиб бўлиши даркор. Шу маънода жойларда, айниқса, энг олис ҳудудларда ҳам тизимли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилапти. Тарғибот таъсирчанлигини ошириш мақсадида мутахассислар томонидан интерактив машғулотлар, видеофильмлар ёрдамида мавзуларни кенгрок очиб беришга ҳаракат қилинапти. Ёшлар ўз фикр ва тақлифлари билан фаол иштирок этаётгани қувонарли ҳолдир.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон ХДП ўз электорати, хусусан, ёшлар вакиллари билан ишлашнинг самарали ва таъсирчан механизмида фойдаланмоқда.

Ойдинисо ХАЙИТОВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши ахборот хизмати бosh мутахассиси.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧИ

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?..

Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши тасарруфида 22 минг нафарга яқин аъзони бирлаштирган 455 бошланғич партия ташкилоти мавжуд. Бугунги кунда уларнинг фаолиятини янада жойлантириш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Аммо ишлар барча ҳудудларда ҳам бирдек тўғри йўлга қўйилган, деб бўлмади.

Яқинда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори томонидан мазкур масала атрофича ўрганилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди.

— Бир ҳафта давомида вилоят марказидан 250-300 километр узоқликда жойлашган Зарафшон шаҳри ва Томди, Учқудук туманларида бўлиб, — дейди **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори мудири Аҳмад Турсунбоев**.

— Жумладан, Зарафшон шаҳридаги Сил касалликлари қарши кураш диспансери, «Агама» тиббиёт бirlашмаси ва «Юлдуз» маҳалла фуқаролар йиғини, Томди туманидаги Ободонлаштириш бошқармаси ва Учқудук туманидаги «Мустақиллик» МФЙ ва Уй-жойлардан фойдаланиш идорасидаги БПТлар билан яқиндан танишидик. Ҳақиқий ҳолат ўрганилди. Тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Ўрганишлар давомида маълум бўлдики, Учқудук, Хатирчи ва Нурота туманларида қўллаб-қамчиликларга йўл қўйилмоқда. Маълумки, 2019 йилда парламентнинг қўйи палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Мазкур сиёсий жараёнда биз, аввало, БПТларга таянамиз.

— Ҳафтанинг ҳар пайшанба кунини навбати билан бошланғич партия ташкилотларида сиёсий ўқувлар ташкил этмоқдамиз, — дейди **ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши раиси Музаффар Шодиев**. — Бугун билдирилган фикрлардан ҳулоса чиқариб, фаолиятимизни тубдан қайта кўриб чиқамиз.

аъзолик ҳужжатларининг тўлдирилиши ҳам белгиланган метёрларга мос келмади.

Навоий шаҳрида БПТ фаолиятини ўрганиш натижаларига бағишланган таҳлилий-таъкидий йиғилиш ўтказилди. Унда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Шу кунги ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашгани учун Хатирчи туман кенгаши ижрочи котиби вазифасидан озод этилган бўлса, Хатирчи, Учқудук ва Конимех туман кенгаши раислари огоҳлантирилди.

— Бошланғич ташкилот партияни ҳаракатга келтирувчи асосий кучдир, — деди **ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши раиси Навоий вилоят кенгаши раиси Навоий вилоят кенгаши раиси Навоий вилоят кенгаши раиси Навоий вилоят кенгаши раиси** **Нуроллаев**. — Куйи бўйин билан ишлашда қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Маълумки, 2019 йилда парламентнинг қўйи палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Мазкур сиёсий жараёнда биз, аввало, БПТларга таянамиз.

— Ҳафтанинг ҳар пайшанба кунини навбати билан бошланғич партия ташкилотларида сиёсий ўқувлар ташкил этмоқдамиз, — дейди **ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши раиси Музаффар Шодиев**. — Бугун билдирилган фикрлардан ҳулоса чиқариб, фаолиятимизни тубдан қайта кўриб чиқамиз.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши ташаббуси билан Шароф Рашидов туманидаги «Учқиз» маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ташкил этилди.

Унда партия масъуллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, туман тиббиёт бирлашмаси, Давлат солиқ инспекцияси, сувоқава, электр таъминоти, газлаштириш корхоналари, туман ер-мулк кадастри хизмати ташкилотлари вакиллари ҳамда «Учқиз», «Умар» маҳаллалари фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котиблари иштирок этди.

САЙЁР ҚАБУЛДА муаммолар ўз ечимини топмоқда

Дастлаб, Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси, ХДП депутатлари вилоят кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси **Урол Ўрозбоев** Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мақсад ва вазифалари ҳақида сўз юритди. Партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ва уларнинг ижроси юзасидан партия кенгаши ҳамда жойларда маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил маълумот берди. Шундан сўнг сайёр қабулда фуқароларнинг муаммолари юзасидан мурожаатлари тингланди.

Тадбир давомида 25 нафар фуқаро 43 муаммо ва камчилик юзасидан мурожаат қилди. Уларнинг 10 таси ўша ернинг ўзида, тадбирда иштирок этган идора ва ташкилотлар вакиллари ёрдамида ўз ечимини топди. Қолганлари юзасидан депутатлик сўрови юборилиши тушунтирилди.

Муроджон ХАЙИТОВ,
Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши бўлим мудири.

ОДАМ САВДОСИ — АСР МУАММОСИ

ОГОҲЛИК, ҲУШЁРЛИК, ҲАМКОРЛИК

инсон эркинлигига бўлган таҳдидларнинг олдини олади



Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши одам савдосига қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорлик масалаларига бағишлаб давра суҳбати ўтказди.

Сергели туман ИИБ бошлиғи, подполковник Аслиддин Убайдуллаев туман миқёсида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бора-сида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталди. Жамоат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон ХДП билан ҳамкорлик ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбирда, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, партия фаоллари ва турли соҳа вакиллари мавзу юзасидан сўз юритди.

— Одам савдоси дунё халқларини ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири ҳисобланади, — деди **Сергели туман ИИБ ҳуқуқбузарлик профилактикаси бўлими мудири Дилшод Юнусов**. — Ушбу жиноятга

қарши кураш олиб боришда давлатларо ҳамкорлик масаласи муҳим саналади. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга қўшилган. БМТ томонидан мазкур соҳада қабул қилинган халқаро шартнома иштирокчиси ҳисобланади.

Бу борада барча давлат, нодавлат ноижорат ташкилотлар ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориши лозим, деб ўйлайман. Шундагина кўнгилсизликларнинг олдини олишга, одамлар ҳушёрлигини оширишга эришиш мумкин.

— Партияимиз томонидан ўтказилаётган турли лойиҳалар, тарғибот тадбирларига асосан банд бўлмаган ёшларни жалб этишга ҳаракат қиламиз, — деди

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Нилуфар Юлдашева. — Ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган, натижада асосий вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказётган ёшлар ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтириш ҳақида ҳам ўйлашимиз керак. Чунки уларда алданиб қолиш хавфи кўпроқ бўлади. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан ўз ўрнида фойдаланиш ҳар жиҳатдан яхши самара беришини тушунтири олишимиз керак, деб ўйлайман. Бунинг учун ёшлар қалбига йўл топиш, уларни нималар қизиқтираётганини жиддий ўрганишимиз зарур.

Сергели туман халқ таълими бўлими филология фанлари методисти Нурхон Назарова ёшларнинг қизиқишига қараб турли спорт тўғрақларига жалб қилиш, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва жойлардаги маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадга мувофиқлигини қайд этиб ўтди. Шунингдек, ёшларга нисбатан уларнинг ота-оналари томонидан назоратни янада кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Ўз мухбири.

«ЧЕГАРАСИЗ МАТЕМАТИКА» ҒОЛИБЛАРИ

Тошкент шаҳридаги математикага ихтисослаштирилган «Erudite Education» хусусий мактаби жамоаси Болгариянинг Несебр шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтган халқаро математика олимпиадасида мўваффақиятли иштирок этиб қайтди. 19 мамлакатдан 1500 дан ортиқ ўқувчи қатнашган олимпиадада 34 ўқувчидан иборат бу мактаб жамоасининг 26 нафари ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди. Улар 7 олтин, 14 кумуш ва 7 бронза, жами 28 медални қўлга киритишди.

«Чегарасиз математика» олимпиадаси ғолиб ва совриндорлари билан таънинг: **олтин медал** — Далер Исмоилов, Шафин Шоисматов, Висола Рашидова, Баҳодир Муродов, Омар Абдуллаев, Хумоюн Комилжонов, Нурсайд Ахмедов, **кумуш медал** — Муниса Назарова, Гўзал Муродова, Мираброр Мирсидиков, Жавоҳир Анваров, Малика Абдурахмонова, Сугдиёна Эргашова, Жавҳар Шоисматов, Беҳруз Қувондиқов, Абдутолиб Абдурахмонов, Азиза Абдурахмонова, Абдуллоҳ Умаров ва Абдулазиз Умаров; **бронза медал** — Амирхон Остонов, Камолитдин Солиев, Мустафо Иноғомов, Мухаммадризо Хасанов, Виктория Нуруллаева, Шахриод Файзуллаев, Мубина Абдумавлонова.

Ўқувчиларимиз 4 йилдан бун «Чегарасиз математика» номи ушбу халқаро олимпиадада иштирок этиб келишди, — дейди **мактаб директори Гулбаҳор Муродова**. — Мазкур олимпиаданинг дастлабки уч тури онлайн тарзда ўтказилди. Унда муваффақиятли



қатнашган 34 нафар ўқувчимиз Болгарияда бўлиб ўтадиган финал босқичига йўлланма олишганди. Олимпиадада эришган ютуқларимиз дарс ўтиш методикамиз, дастурларимиз тўғрисида, ўқувчиларимизни ўқишга қизиқиши юқори даражада эканлигидан далolat беради.

Мактабимизда болалар тўлиқ кун давомида ўқийди. Қўшимча тўрақлар ҳам бор. Шунингдек, ўқувчиларимиз бир йилда



4 та халқаро олимпиадада қатнашди. 10 йилдан бери Москвада бўлиб ўтадиган Интеллект номи олимпиадага, онлайн тарзда ўтказиладиган Сингапур халқаро математика олимпиадаси — SASMOга ҳамда Осиё халқаро математика олимпиадаси — AIMOGа қатнашамиз. Ушбу олимпиада мусобақаларида ҳам яхши натижаларга эришамиз. Ҳозирги ютуқларимизни бутун жамоамизнинг бирлигидаги меҳнати самараси, деб биламан. Ўқувчиларимизга болаларни бўлиб берганимиз, ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ишлаймиз.

Олимпиадада ўқувчиларга ностандарт масала берилади, шунинг учун улар дарсдан сўнг, алоҳида режа бўйича

шўғулланишади, тўрақларимиз ҳам дарсдан ташқари махсус режа асосида бўлади, — дейди **математика фани ўқитувчиси Зулфия Махмудова**. — «Чегарасиз математика» олимпиадасига биринчи имтиҳон кўзда тутилган. Жавоблари, чиққач, иккинчи имтиҳон қишда бўлиб ўтади. Баҳорда учинчи тур бошланади, 20 та савол берилади. Уларнинг 10 таси тест тарқасида бўлса, 10 таси масаладан иборат. Болалар йиғилиб финалда иштирок этиш учун Болгарияга жўнатилади. Биз кейинги олимпиадага бугундан бошлаб тайёргарлик кўраимиз. Мақсадимиз — олтин медалларни янада кўпайтириш, фарзандларимиз улуг олимлар ворислари эканини амалда кўрсатиш.

Шаҳбоз САИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга биноан ҳар икки йилда бир марта — 6-10 сентябрь кунлари **Шахрисабз шаҳрида ўтказиладиган Халқаро мақом санъати кўрик-танловига қизгин тайёргарлик кўрилоқда. Ушбу анжуман ЮНЕСКО шафеълигида ўтказилади.**

МАҚОМ САНЪАТИ ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИ БИРЛАШТИРАДИ

Under the patronage of



United Nations
Educational, Scientific and
Cultural Organization



Intangible
Cultural
Heritage

Маданият вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси, Ўзбек миллий мақом санъати маркази ҳамкорлигида халқаро анжуманининг сценарий ва бадиий дастурлари тузилди. Анжуман доирасида «Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тугган ўрни» мавзусида ўтказиладиган илмий-амалий конференцияга ҳам тайёргарлик кўрилоқда.

Мазкур конференцияда хорижий давлатлардан иштирок этадиган мусиқашунос ва мақомшунос олимлар, таниқли санъаткорлар, мутахассислар ҳамда фахрий меҳмонлар рўйхати шакллантирилди, уларни тақдирлаш сценарийси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон халқ ҳофизы Маҳмуд Тожибоев раҳбарлигидаги саралаш комиссияси форумнинг www.maqomforum.uz сайтига хорижий давлатлар вакиллари томонидан юборилган ижод намуналарини кўриб, ўз хулосаларини бермоқда.

Хозирга қадар АҚШ, Эрон, Италия, Афғонистон, Ҳиндистон, Тожикистон, Қирғизистон, Хитой, Исроил, Туркия, Сурия, Бельгия, Германия ва Беларусь сингари 60 дан ортиқ хорижий давлат вакиллари анжуманда иштирок этиш хоҳишини билдиришди.

6 август кунин Ўзбекистон давлат консерваториясида Шахрисабзда бўлиб ўтадиган халқаро мақом санъати анжуманида мамлакатимиздан иштирок этадиган санъаткорлар, мақом ансамбллари саралаб олинади.

Рашидаҳон ҲАСАНОВА, Ўзбек миллий мақом санъати маркази матбуот ходими.

РЕКЛАМА

QQB QISHLOQQURILISHBANK



- ✓ **Замонавий**
- ✓ **Қулай**
- ✓ **Тезкор**

“QQB-MOBILE” — барча хизматлар мобиль телефонингизда!

ДАСТУРДАН ФОЙДАЛАНИБ:

- ✓ уяли алоқа операторлари, шаҳар телефони, интернет провайдерлар, рақамли телевидение хизматлари;
- ✓ «Қишлоққурилишбанк» дан олинган истеъмол ва ипотека кредитлари;
- ✓ коммунал хизматлар;
- ✓ Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жарималари учун тўловларни амалга ошириш мумкин.

Илова ёрдамида МУНИС тўлов тизими орқали АТБ «Қишлоққурилишбанк» пластик картасидан маблағларни бошқа банк пластик картасига ўтказиш имконияти мавжуд.

«Қишлоққурилишбанк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

☎ (+99871) 150-39-93, 150-76-47

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- ▶ Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвалный, бортовой, контейнеровоз.

Товары сертифицированы.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz



«ШҮРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ» МЧЖ

2018 йил 6-7 август кунлари қўқаламзорлаштириш ишларини олиб бориш мақсадида иссиқхонада етиштирилаётган қўқилдаги мавсумий гул уруғлари ва гул етиштиришда ишлатиладиган микроэлементлар ва химикатлар хариди бўйича **очик танлов ўтказилади.**

1. Манзарали гул уруғлари — 220 000 дон.
2. Биогумус — 20 тонна.
3. Вермакулт (уруғ билан сепилади) — 70 кг.

Микроэлементлар тўплами:
Бутан — 1.5 кг, көмира — 5 кг, гуммат — 10 кг.

Касаллик ва зараркунанда ҳашоратларга қарши химикат:
Моспилан — 3 кг, вертимик — 1.5 литр.
Танлов шартлари ҳақидаги тўлиқ маълумот билан мажмуанинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайти www.sgcc.uz орқали танишиш мумкин.
Тижорат тақлифлари қўқилдаги манзил бўйича қабул қилинади: Фўзор тумани, Шўртан қўқғони, «Шўртан газ кимё мажмуаси» МЧЖ.

Телефон: (0 375) 552-44-38; факс: (0375) 552-40-16
Электрон почта: sgcc@sgcc.uz

Инновацион ривожланиш вазирлиги қўқилдаги «Уруғчиликни ривожлантириш маркази» ДУК жамоаси директори ўринбосари Рафийков Ҳасимовга отаси

Абдунаби ҲАКИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihiddin	Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Ulug'bek VAFOYEV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Saidkamol XODJAYEV	Ochilboy RAMATOV	

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80.
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etiladi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 838. 6754 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.

O'za yakuni — 01:00.
Topshirilgan vaqti — 02:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Nashratchi:
Alleher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

